

НИЁЗОВ Музаффар Абдусатторович,

Ўзбекистон Миллий университети
«Минтақавий иқтисодиёт» кафедраси
ўқитувчиси;

НИШОНОВА Дилноза Бахриддин қизи,

Ўзбекистон Миллий университети
«Иқтисодиёт» факультети Талабалар илмий
жамияти аъзоси

ЖАҲОН МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ҚАРЗИ: ЗАМОНАВИЙ ЖИҲАТЛАРИ, РЕЙТИНГИ ВА ХИТОЙ ҚАРЗ ЎПҚОНИ

УДК 336.275

НИЁЗОВ М. А., НИШОНОВА Д.Б. ЖАҲОН МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ҚАРЗЛАРИ: ЗАМОНАВИЙ ЖИҲАТЛАРИ, РЕЙТИНГЛАРИ ВА ХИТОЙ ҚАРЗ ЎПҚОНИ

Мақолада жаҳонда қарздорлик бўйича биринчи ўнталikka кировчи мамлакатлардаги қарздорлик ҳолати бўйича қисқача маълумот берилган. Шу билан бирга Хитойнинг ташқи қарзи жадал суръатлар билан ўсиб бориши ва унинг миллий ҳамда глобал иқтисодиётга таҳдиди борасида тўхталиб ўтилган.

Таянч иборалар: қарздорлик, давлат қарзи, глобал иқтисодиёт, қарздорлик мажбуриятлари.

НИЁЗОВ М.А., НИШОНОВА Д.Б. ДОЛГИ СТРАН МИРА: СОВРЕМЕННЫЕ АСПЕКТЫ, ИХ РЕЙТИНГИ И КИТАЙСКАЯ ДОЛГОВАЯ ЯМА

В статье дана краткая информация по странам, входящим в первую десятку рейтинга стран-задолжников. Также описан быстрый рост темпов внешней задолженности Китая и его влияние на национальную и глобальную экономику.

Ключевые слова: задолженность, государственный долг, глобальная экономика, долговые обязательства.

NIYOZOV M.A., NISHONOVA D.B. INDEBTEDNESS OF WORLD STATES: MODERN VISION, THEIR RATING AND THE CHINA'S DEBT BOMB

There is provided in the article the brief information about states in the list of ten biggest debtors rating. As well there is described quick growth of China debts and that influence to the national and international economy.

Keywords: indebtedness, state debt, global economy, debt obligations.

Иқтисодий ва сиёсий беқарорлик, бюджет камомати мамлакатлар ҳукуматларининг заём маблағлари олишга ундамоқда. Бошқа давлатлар, халқаро жамғармалар ва инвесторлардан олинган қарз маблағлари молиявий имкониятларни кенгайтириш ва мамлакат ресурсларини тўлдиришга имкон беради. Бироқ иккинчи томондан улар иқтисодий инқироз вужудга келиш хавфини туғдиради.

Ташқи қарз – қарзга олинган маблағлар билан асосий қарз бўйича тўланаётган фоизлар ўртасидаги фарқдир. Ушбу кўрсаткич ЯИМ кўрсаткичлари билан солиштиришга қулай бўлиши учун АҚШ доллариди ҳисобланади. Кўпчилик мамлакатларда ушбу қарз кўп йиллар давомида тўпланиб борган. Унинг ҳажмининг кўпайиб кетишига 2007–2008 йиллардаги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози сабабчи бўлди. Аммо 2015 йилда мамлакатлар ташқи қарзи энг юқори чўққига етди. Қарздор мамлакатлар ичида Евроҳудуд мамлакатлари етакчи ўринларни эгаллади. Бироқ бу борада биринчи ўринда жаҳоннинг энг катта иқтисодиётига эга АҚШ турибди.

Қарздорлик бўйича рейтингга жаҳонда энг катта ташқи қарзга эга мамлакатлар кирди.

Канада жаҳонда энг катта ташқи қарз бўйича ўнинчи ўринни эгаллаган. Мамлакатнинг қарздорлиги 2008 йилдаги инқироз даврида фаол ўса бошлади. Ўша даврдан бери бюджет камоматини қоплаш ва иқтисодиётни ривожлантириш учун мамлакат ташқи дунёдан 1,49 триллион АҚШ доллари қарздор бўлган¹. Агар бу суммани ҳар бир канадаликка тақсимласа, ҳар бирига 39 минг АҚШ доллари миқдоридаги қарз тўғри келади. 2015 йилда Канадада иқтисодий тушкунлик юзага келди ва мамлакатда ЯИМ ҳажми камайди. Иқтисодиётда асосий ўринни ёғоч тайёрлаш ва нефть қазиб олиш тармоқлари эгаллайди. Бунда нефть анъанавий усулдан кўра мураккаброқ ва қимматроқ усулда қазиб олинади. Нефть нархларининг пасайиб кетиши тадбиркорларни нефть қазиб олишга харажатларини, биринчи навбатда иш ўринларини

қисқартириш эвазига, қисқартиришга мажбур қилди. Ҳукумат аҳолига ижтимоий кафолатларни таъминлаш ва иқтисодий ҳолатни барқарорлаштириш учун заёмлар олишга мажбур бўлди.

Испания рейтинг бўйича тўққизинчи ўринда. Ушбу мамлакатнинг ташқи қарзи унинг тарихида энг катта нуқтасига етди. Агар уни аҳоли сонига бўлса ҳар бир одамга 31 минг АҚШ долларидан тўғри келади². Агар фоизлар бўйича қарзни аҳоли сонига бўлиб юборса ҳар бир жон бошига 720 евродан тўғри келади (бунда мамлакатда ўртача иш ҳақи 650 евро эканлигига эътибор қаратиш муҳим). Қарзни қоплашга ҳукумат ишсизликка қарши курашга ва ижтимоий дастурларга нисбатан кўпроқ маблағ сарфлайди. Шу билан бирга ЯИМ 3%га ўсди. 2015 йил якунлари бўйича мамлакатнинг ташқи қарзи 1,5 триллион АҚШ доллари ҳажмида баҳоланган.

Бразилиянинг ташқи қарзи 1,8 триллион АҚШ долларни ташкил этади. Лотин Америкасининг энг йирик мамлакатларининг бирида 2015 йилда ишлаб чиқариш деярли 4%га пасайди, инфляция ва ишсизлик кескин ўсди. Хом ашёга нархлар пасайиши (бу асосан қишлоқ хўжалиги), асосий савдо ҳамкори Хитой томонидан талабнинг пасайиши ва ноқулай сиёсий вазият давлат қарзи ўсишига замин бўлди. Инвесторлар Бразилия облигацияларига маблағ қўйишга хоҳишлари йўқ. Шундай бўлса ҳам, мамлакатнинг валюта захиралари етарли даражада мустақамдир ва бу ташқи қарзга хизмат кўрсатишда қўл келмоқда.

Евроҳудуддаги яна бир мамлакат – **Франция**нинг давлат қарзи ўсиб бормоқда. 2015

¹ <http://top10a.ru/dolg-stran-mira-na-2015-god.html>

² Ўша жойда.

йилга келиб заёмлар ҳажми 2,3 триллион АҚШ долларини ташкил этди. Паст даражада истеъмолчилик фаоллиги, ишсизликнинг юқори даражаси (10,5%) ва инвестицияларнинг деярли йўқлиги иқтисодиётнинг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда. Ушбу омиллар давлат қарзини оширишга олиб келмоқда (2015 йилда ЯИМнинг 95% ҳажмида эди). Давлат қарзи ҳар бир французга 34 минг евродан тўғри келади ва бу кўрсаткич ўсиб бормоқда.

Италия 2,5 триллион АҚШ доллари қарзи билан энг катта заёмга эга ўнналикка кирган. Ҳукумат қарз олишда тўхтамасдан заём маблағларини ошириб бормоқда. Шу йўл билан ҳукумат мамлакатдаги иқтисодий вазиятни барқарорлаштиришни мақсад қилиб қўйган. Мамлакат аҳолисининг ҳар бирига 41 минг евро қарз тўғри келади. Ташқи қарз ЯИМга нисбатан 130%га тенгдир. Экспертлар юзага келган муаммолар сабабини ҳукумат томонидан ноқулай бизнес-муҳитда, юқори коррупция даражасида, мавжуд вазиятни ўзгартирадиган ислохотлар амалга оширилмаётганида кўришмоқда. Италия иқтисодиётни ривожлантиришга қарз олаётганлигига қарамасдан иқтисодий ўсиш кузатилмаяпти.

Буюк Британия иқтисодиёти жаҳонда энг ривожланганлардан ҳисобланади. Аммо 2015 йилда мамлакатнинг қарзи 2,52 триллион АҚШ долларини ташкил этди. Унинг асосий қисми тижорат банкларининг қисқа муддатли заёмлари ҳисобланади. Буюк Британия қарзларининг асосий қисми АҚШ, Германия, Франция ва Испанияга тўғри келади. Олтин-валютанинг катта захираси мавжудлиги сабабли экспертлар иқтисодий инқироз ҳақида гапиришмаяпти. Инглиз фунт стерлинги конвертацияланадиган валюта сифатида ўз позицияларини мустақкам ушлаб турибди.

Германияда ташқи қарз 2,6 триллион АҚШ долларини ташкил этмоқда. Катта ҳажмдаги қарзга қарамасдан, Германия иқтисодиёти барқарор қолмоқда. Қарзни ЯИМга нис-

бати кўрсаткичи жаҳонда юқори даражада ҳисобланади – 80%.


Хитой (ХХР) жаҳондаги энг йирик кредитор ҳисобланади, шу билан бир вақтда, 2015 йил ҳисоб-китоблари бўйича, у асосий қарздорлардан биридир. Лекин Хитой «яхши» қарздор ҳисобланади, чунки унинг олтин ва валюта захиралари қарзларга ўз вақтида хизмат кўрсатиш имконини беради. 2016 йил бошида ХХРнинг қарзи 3,1 триллион АҚШ долларини ташкил этди.

Япония молиявий масалаларда энг пухта мамлакатлардан бири бўлишига қарамай, 2015 йил якунларига кўра жаҳондаги энг йирик қарздорларнинг бирига айланди. Унинг қарзи 12,2 триллион АҚШ долларини ташкил этди ва у кундан-кунга ўсиб бормоқда. Охириги йилнинг ўзида унинг ҳажми 1,4 триллион АҚШ долларига ўсди. 2011 йилда Фукусима атом станциясидаги авария натижалари мамлакат иқтисодиётига кучли салбий таъсир кўрсатди. Ҳукумат ушбу авария оқибатларини бартараф этиш учун қарзни кўпайтиришга мажбур бўлди.

АҚШ ушбу рейтингда биринчи ўринни эгаллаб турибди. Энг ривожланган иқтисодиёт ва энг катта мамлакатлардан бири энг катта ташқи қарзга ҳам эга. Бу - 19,75 триллион АҚШ доллари ҳажмидадир. Ушбу сон америкаликлар тежамкор эмаслигини ва уларнинг харажатлари даромадларидан кўп эканлигини англатади. АҚШнинг асосий инвесторлари бўлиб Хитой ва Япония намоён бўлмоқда. Бу мамлакатлар АҚШнинг ҳар қандай қарздорлик даражасида унинг облигацияларини сотиб олади. Чунки АҚШ ушбу маблағлар ёрдамида ушбу давлатлар товарларининг ҳақини тўлаши зарур.

Мазкур келтирилган халқаро қарздорлик бозорида Хитой Халқ Республикаси алоҳида эътиборга мойил.

Хитойнинг давлат ташқи ва корпоратив қарзи. Хитойнинг қарздорлик ўпқони бу реал хатарми ёки бор-йўғи портламай қолган

1-расм. Хитой қарзини ЯИМга нисбатан ўсиши (%да)¹

бомбами деган саволга баъзи экспертлар² – Хитойнинг 26 триллион АҚШ доллари ҳажмидаги давлат ва хусусий қарзлари глобал иқтисодиёт учун таҳдид қилмоқда, деган фикрни билдирмоқдалар. Бошқа экспертлар³ эса бу ҳол бор-йўғи жаҳонда энг катта иқтисодиётлардан бири яратган иқтисодий шов-шувнинг қўшимча самараси, деб таъкидлайдилар.

Нима бўлганда ҳам, Хитойда қарздорликнинг ошиб бориш суръатлари жуда катта бўлиб, охири етти йилда қарздорлик 4 маротаба ошди. Хитойни қарз олиб ривожланиш моделидан воз кечишга кўндириш иқтисодиётнинг секинлашувига олиб келиши мумкин. Хитой глобал иқтисодиётнинг ўсишида асосий элемент бўлганлиги учун бу муаммонинг ечими барча одамларга тегишлидир. Мажбуриятлар бажарилмаслигининг олдини олиш мақсадида қарздорларни қўллаб-қувватлаш муаммони ҳал этиш сиёсатига айланган. Аммо бу сиёсат мамлакатни яна чуқурроқ қарздорлик ўпқонига тортиши ва кўп йиллар давом этадиган иқтисодиёт стагнациялашувига олиб келиши мумкин.

2015 йил охирига келиб Хитойнинг умумий қарз мажбуриятлари экспертларнинг ҳисоб-китоблари бўйича ЯИМга нисбатан 247%ни ташкил этди (2008 йилда 164%)⁴. Бу кўрсаткич 2008 йилдаги инқироздан олдин АҚШ ва Буюк Британия қарзларининг ўсиш суръатларидан юқоридир. Муаммо яна шундаки, янги кредитлашнинг жадал тезлиги натижасида Хитой қарздорлигининг қайси ҳажми қопланмаётганлигини аниқлаб бўлмади. Ҳайриқонуний услублар ва яширин банкинглари ҳолатни янада мураккаблаштирмоқда. Қарз мажбуриятларининг қайси қисми ҳукумат томонидан таъминланиши ёки кимларга банкротлашишга имкон берилиши тўғрисидаги ахборотларга эга бўлмаслик ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатмоқда. Маҳаллий ҳокимият ва провинциялар ҳукуматлари деярли 4 триллион АҚШ долларини (Германия иқтисодиётининг ҳажми) қарзга олишган. Баъзи ҳокимиятлар эса қисқа муддатли, балансларда акс этмайдиган қарзларни олиб шубҳали инфратузилма лойиҳалари ва кўчмас мулк қурилиши лойиҳаларини молиялаштиришган⁵.

Хитой ҳукумати борган сари кўпроқ дефолтларга имкон бериши натижасида ком-

¹ <http://forextrlab.info/dolg-kitaya-gosudarstvennyj-vneshnij-dolg-kitaya/>

² <http://forextrlab.info/dolg-kitaya-gosudarstvennyj-vneshnij-dolg-kitaya/>

³ <http://fxmail.ru/subscribes/5909/250992/>

⁴ <http://fxmail.ru/subscribes/5909/250992/>

⁵ <http://marketpost.net/raznoe/2016/05/18/dolg-kitaya-gosudarstvennyj-vneshnij-dolg-kitaya.html>

1-жадвал. Хитой ташқи қарзининг ЯИМга нисбати¹ (турли манбалар ҳисоб-китоблари бўйича).

ЯИМга нисбатан %да	350	295	282	280	249	237	218
Ташкилот	Macquarie Research	IIF	McKinsey	Wigram Capital Advisors	BIS	Financial Times	Goldman Sachs
Ҳисоб-китоб ўтказилган давр	2016 й. апрель	2016 й. май	2015 й. февраль	2015 й. охири	2015 й. сентябрь	2016 й. апрель	2016 й. январь

панияларни молиялаштиришга харажатлар ўсиб борди. Банклар маҳаллий ҳокимиятларга юқори фоиз ставкасида бераётган ссудаларини давлатнинг СВОП дастурлари бўйича арзон облигацияларга алмаштира бошлади, ушбу облигациялар ҳажми 15 триллион юан (2,3 триллион АҚШ доллари)гача ҳажмда бўлиши мумкин. Хитойнинг қарзлари ҳам жуда тез суръатларда ўсмоқда: 31 та провинциядан 29 тасида қарздорлик 2013 йилга нисбатан 2015 йилда 53%га ўсди. 2016 йилнинг 1-чорагидаёқ 1 триллион АҚШ долларлик қарз олиниб, уларнинг асосий қисми тикланиб бораётган кўчмас мулк бозорига йўналтирилди². Аммо ҳукумат қарз юкининг ошиб боришига эътиборсизлик қила бошлади. Хитой Коммунистик партияси газетаси юқори даражадаги молиявий инструментлар Хитойнинг «биринчи даражадаги гуноҳи»дир ва мамлакат иқтисодий фаровонликка интилишда қарз олишни камайтириши зарур эканлигини таъкидлади.

2008 йилдаги молиявий инқироз даврида марказий ҳукумат маҳаллий ҳокимиятларга иқтисодий ўсиш секинлашувини олдини олиш ва иш ўринларини сақлаб қолиш учун йўллар, кўприклар қуриш ҳамда бошқа инфратузилма лойиҳаларига инвестицияларни амалга оширишни буюрди. Ўз хатти-ҳаракати билан ҳукумат Японияда 1980-йилларда пайдо бўлган қарз пуфаги каби пуфакнинг пайдо бўлишига сабабчи бўлди. Ўшанда Японияда

¹ <http://marketpost.net/raznoe/2016/05/18/dolg-kitaya-gosudarstvennyu-vneshniy-dolg-kitaya.html>

² Bank of America: «великий развод» двух крупнейших экономик мира будет драйвером рынков в 2016 году. <http://marketpost.net/forex/2015/11/24/bank-of-america-velikiy-razvod-dvuh-krupneyshih-ekonomik-mira-budet-drayverom-rynkov-v-2016-godu.html>

кўчмас мулк ва фонд бозорини қулаши натижасида «зомби-банк»лар умидсиз қарзлари билан қолиб кетишди.³ Хитой авваллари ҳам бундай муаммоларга дуч келган эди. 1990-йиллар охирида давлат кредитлаштириш натижасида вужудга келган қарзнинг чорак қисми бўйича дефолт эълон қилинди, бу эса, ўз навбатида, давлат банкларини ҳимоя қилувчи 650 миллиард АҚШ доллари ҳажмидаги дастурни амалга оширишни тақозо этди.

Қарз юкининг ўсишининг охириги тўлқини Хитойдаги 25 йил ичидаги жадал иқтисодий ўсиш фониди юз берди. Президент Си Цзиньпин давлатнинг иқтисодий моделини қарз ҳажмини янада оширувчи оғир саноат ва экспортдан истеъмолга қаратишга интилоқда. Марказий ҳукумат банклар, хорижий валюта ва капитал оқимлари устидан назоратни сақлаб қолиб қарз юкининг ошиб боришини ва дефолтларни вужудга келиш рискларини чегаралаш учун молия тизимини бошқариш имкониятига эга бўладилар. Экспертларнинг фикрича, ҳукумат дефолтлар тўлқинининг олдини олиш мақсадида иқтисодиётга пул маблағларини киритади. Шу вақтнинг ўзида, амалдорлар бозорда эркин рақобат муҳити сақлаб қолиниши тарафдорлари ҳисобланади⁴.

Оптимист экспертларнинг фикрича, Хитойнинг солиқ юкидан хавотир олиш керак эмас. Компаниялар ва маҳаллий ҳокимиятлар ўз даражалари ва имкониятларидан келиб чиқиб

³ Абеномика. <http://marketpost.net/pro/2016/02/01/pro-abenomiku.html>

⁴ Рождаемость в Китае: 3 графика, почему Китай отменил политику «одна семья – один ребенок». <http://marketpost.net/raznoe/2015/10/31/3-grafika-o-tom-pochemu-kitay-otmenil-svoyu-politiku-odna-semya-odin-rebenok.html>

2-жадвал. Хитой иқтисодиётини инқирозга олиб келиши мумкин бўлган умидсиз қарзлар¹ (%да)

	Хитой	Халқаро мустақил баҳоловчилар	
	Ҳукуматнинг расмий маълумотлари	CLSA	Autonomous Research
Умидсиз қарзлар	1,7%	15-19%	20-21%

муаммони ҳал қилишга ҳаракат қилишади, шу вақтнинг ўзида ўсиб бораётган иқтисодиёт қарздорларни қўллаб туради ва инфляцияни юзага келтиради (бу мажбуриятларнинг номинал қийматини пасайтиради). Хитойдаги юқори жамғариш нормаси ва жорий счетларнинг профицити бу ҳолатда ижобий қўллаб-қувватлаш вазифасини ўтайди. Пессимистлар эса муаммо ўз-ўзидан йўқ бўлмаслигини таъкидлайдилар. Улар ҳукумат ишламайдиган кредит схемаларини жорий этиб, дефолтларнинг олдини олишларини кутишмоқда. Чора-тадбирларга қуйидагилар киради: фоиз ставкаларини пасайтириш, қарз СВОПларини кенгайтириш, нобанк кредитлаштиришга

қарши дастурларни қабул қилиш, активларнинг сотилиши ва кўп сонли компанияларга акцияларни сотиш орқали маблағнинг қарзга олинишини рағбатлантиришади².

Хулоса ўрнида Fitch агентлигининг собиқ таҳлилчиси Шарлин Чжунинг фикрини³ келтирамиз. Қарздорлик ўпқонининг ҳавфи Хитой иқтисодиёти ўсишининг секинлашувидан келиб чиқмоқда, инфляция босими суръатларининг пасайиши эса қарзларни қайтаришда мураккабликларни юзага келтириши мумкин. Ҳозирги кунда Хитойнинг давлат ташқи қарзи глобал иқтисодиётнинг ўсишига бир неча ўн йиллар давомида тўсиқлик қилиши мумкинлиги хавфи маважуд.

Адабиётлар рўйхати:

1. Bank of America: «великий развод» двух крупнейших экономик мира будет драйвером рынков в 2016 году. <http://marketpost.net/forex/2015/11/24/bank-of-america-velikiy-razvod-dvuh-krupneyshih-ekonomik-mira-budet-drayverom-rynkov-v-2016-godu.html>
2. <http://marketpost.net/raznoe/2016/05/18/dolg-kitaya-gosudarstvennyy-vneshniy-dolg-kitaya.html>
3. <http://forextrlab.info/dolg-kitaya-gosudarstvennyj-vneshnij-dolg-kitaya/>
4. <http://fxmail.ru/subscribes/5909/250992/>
5. <http://marketpost.net/raznoe/2016/05/18/dolg-kitaya-gosudarstvennyy-vneshniy-dolg-kitaya.html>
6. <http://top10a.ru/dolg-stran-mira-na-2015-god.html>
7. Абеномика. <http://marketpost.net/pro/2016/02/01/pro-abenomiku.html>
8. Рождаемость в Китае: 3 графика, почему Китай отменил политику «одна семья – один ребенок». <http://marketpost.net/raznoe/2015/10/31/3-grafika-o-tom-pochemu-kitay-otmenil-svoyu-politiku-odna-semya-odin-rebenok.html>
9. Суматоха Китая может быть лишь всплеском, если ориентиром является Япония 1960-х годов. <http://marketpost.net/stock-exchange/2015/09/08/sumatoha-kitaya-mozhet-byt-lish-vspleskom-esli-orientirom-yavlyaetsya-yaponiya-1960-h-godov.html>

¹ <http://marketpost.net/raznoe/2016/05/18/dolg-kitaya-gosudarstvennyy-vneshniy-dolg-kitaya.html>

² Суматоха Китая может быть лишь всплеском, если ориентиром является Япония 1960-х годов. <http://marketpost.net/stock-exchange/2015/09/08/sumatoha-kitaya-mozhet-byt-lish-vspleskom-esli-orientirom-yavlyaetsya-yaponiya-1960-h-godov.html>

³ <http://forextrlab.info/dolg-kitaya-gosudarstvennyj-vneshnij-dolg-kitaya/>